



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 3 (5)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

**Farg‘ona davlat universiteti uchun
MAXSUS SON**

3

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Abduvoxidov A.A. Moliyaviy bilim va ko‘nikmalarning iqtisodiy mazmuni hamda nazariy tamoyillari.	7
Olimova N.X. Qayta tiklanadigan energiya manbalaridan samarali foydalanishni rivojlantirish strategiyalari.	11
Эргашев А.Х. Исследование текущих тенденций и ограничений инвестиционной активности предприятий в стране.....	15
Yulchiyev A.O. Turistik destinatsiya tabiati va rivojlanish omillari: taklif va talabga asoslangan yondashuvlar.....	19
Mirzayev A.T., Ne‘matova D.A. Sanoatning bazaviy tarmoqlarini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish.....	23
Karimov Sh.X. Turizm faoliyatini boshqarish jarayoniga hududiy salohiyatning ta‘sirini baholash.....	30
O‘rinboyev D.B. Qurilish materiallari sanoati korxonalarida inqirozning shakllanish bosqichlari va diagnostik ko‘rsatkichlari tahlili.....	34
Goziyev M.Sh., Bahodirova M.R. Digital transformation of corporate governance in developing economies (case of Uzbekistan).....	44
Israilova M.V. Sanatoriya-kurort sohasida mulkchilik munosabatlarini transformatsiyalashning ayrim masalalari.....	48
Turg‘unov M.M. Milliy iqtisodiyotda oziq-ovqat sanoati rivojlanishining tarmoq xususiyatlari.....	53
Raximova K.N. Raqamli iqtisodiyot sharoitida axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish masalalari.....	58
Mannopova M.S. Agrar sohaning barqaror rivojlanishida meva-sabzavotchilik klasterlari: tuzilma, yo‘nalishlar va asosiy tamoyillar.....	63
Nematova Sh.E. Raqamli transformatsiya sharoitida xizmatlar sifat menejmenti va kichik biznes subyektlarining iqtisodiy barqarorligi.....	68
Rasulov U.A. Raqamli iqtisodiyot — yangi O‘zbekiston iqtisodiy islohotlarining tayanch omili.....	72
Raximov D.Sh. Sanoat ishlab chiqarishini diversifikatsiya qilish jarayonlari va qayta ishlash tarmog‘ining raqobatbardoshlikka ta‘siri.....	77
Teshabayeva O.N. Turkiya tajribasi asosida turizm infratuzilmasini rivojlantirish yo‘nalishlari.....	81
Jumakulov Z.I., Tursunaliyeva K. O‘zbekiston Respublikasi bank tizimi: holati, rivojlanish tendentsiyalari va islohotlar samarasi.....	85
Jaksimova Z.R. Ko‘lam samarasi turlari, ularning tavsifi va ko‘lam samarasi asosida samaradorlikni oshirishning nazariy modellari.....	88
Yunusov A.R. "Green economy" - the problem of teaching at universities in Central Asia using the experience of european union universities.....	92
Юнусов Ш. Роль цифровизации и искусственного интеллекта в углублении региональных экономических отношений в Центральной Азии.....	95
Xalmatjanova G.D. Klasterlarni boshqarishning samaradorligini oshirish va resurslardan optimal foydalanish.....	104
Xomidov Q.Q. O‘zbekistonda turistik majmualar faoliyatini boshqarishning nazariy jihatlari.....	109
Jo‘rayev H.Q. Oziq-ovqat sanoati korxonalarining strategik salohiyatini baholashning jarayon va tizimli yondashuvlari	114
Xakimov D.R. Oliy ta‘lim sohasida bozor munosabatlari rivojlanishining asosiy omillari.....	117
To‘xtasinova D. Xalqaro hamkorlikning eksport-import oqimlarini tartibga solishdagi roli.....	123
Xolmatov B.A. Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishida tejamkorlik darajasini statistik baholash.....	127
Jumakulov Z.I., Baxromov B. O‘zbekiston davlat byudjetini shakllantirishda soliqlarning roli.....	131
To‘ychiyeva B.V. Oziq-ovqat sanoati korxonalarining barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqaruvning ilmiy-nazariy asoslari.....	133
Abdisamatov Sh.A. Makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar va iqtisodiy o‘shish barqarorligining asoslari hamda zamonaviy muammolari.....	141
Asraqulov A.S. Turistik xizmatlar bozorining rivojlanish xususiyatlari va turistik xizmat turlari diversifikatsiyalashuviga yondashuvlar.....	145
Rakhimova K.N., Mrs. Oubih Warda Institutional and innovative mechanisms for the development of digital tourism in Uzbekistan.....	151
Muxtorov A.A., Mirzayev A.T. Turizm sohasiga investitsiyalarni jalb etish jarayonlarini boshqarishning omilli tahlili.....	154
Usibjonova G.U., Mannopova M.S. Milliy iqtisodiyotda tadbirkorlik faoliyati va uning barqarorligini ta‘minlashning ilmiy asoslari.....	161

Oltiboyeva M.A., Teshabayeva O.N. O‘zbekiston turizm logistikasini rivojlantirishda raqamli innovatsiyalarning roli.....	166
Ximmatova G.K., To‘xtasinova D. Xizmatlar bozorida korxonalarining raqobat ustunligini barqarorlashtirish.....	170
Oltiyeva M.A., Mirzayev A.T. Hududlar resurs salohiyatini baholash orqali potensial turistik resurslarni turistik faoliyatga kiritish imkoniyatlarini modellashtirish.....	174
Xasanova R., Teshabayeva O.N. Qishloq xo‘jaligi tarmoqlarida diversifikatsiyaning hududiy jihatlari.....	180
Zufarova G.A. Ta‘lim bitiruvchilarining ko‘nikmalari va mehnat bozori ehtiyojlari o‘rtasidagi nomuvofiqlik muammosi.....	184
Ergashev J.S. "Yashil marketing" konsepsiyasi asosida energiya tejamkor qurilish materiallari bozorini rivojlantirish	187
O‘rinov A.A. Tikuv-trikotaj mahsulotlariga talabni shakllantirish va sotishni rag‘batlantirish tizimining o‘ziga xos xususiyatlari.....	192
Uzganbayeva D.T., Mo‘ydinov A. Sut va sut mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida innovatsion salohiyatini iqtisodiy-matematik va faoliyatni boshqaruv mexanizmlari takomillashtirish.....	197
Саиджоновна З.Б. Ўзбекистонда саноат корхоналарига инвестиция жалб қилишнинг иқтисодий самарадорлиги.....	201
Qodirov Z.E. Fermer xo‘jaliklari faoliyatini rivojlantirishning imitatsion modellar tizimi.....	205
Ahmadaliyeva R.A., O‘rinov A.A. Qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilishning iqtisodiy ahamiyati.....	210
Хайдаров Х. Сугурта муносабатларида сугурта тариф ставкаларини ахамияти ва муаммолари.....	214
Махамადийев М.М. Iqtisodiy tarmoqlarda innovatsion g‘oyalar bankidan foydalanishning tahliliy asoslari..	217
Madaminov G‘.M. Harbiy xizmatchilarni moddiy rag‘batlantirishda qo‘shimcha to‘lovlar tizimining iqtisodiy va institutsional asoslari.....	222
Nazirboyev D.D. Moliyaviy siyosat va ijtimoiy barqarorlik omillari.....	227
Хасанова С.И. Ишлаб чиқариш корхоналари бошқаруви назарий асослари.....	232
Teshaboyev B.A. Econometric analysis of internal and external factors affecting the management efficiency of tourism enterprises.....	237
Mustafoyeva Z.A. Fintech texnologiyalarining moliya tizimi rivojlanishidagi o‘rni va istiqbollari.....	242
Xolmirzayev U.A., Muradova N.R. Rivojlanish strategiyalarida raqobat va hamkorlik o‘rtasidagi muvozanat: nazariy yondashuv va amaliy tahlil.....	245
Sadullayev R.P. Ekologik vaziyatni barqarorlashtirishda soliq mexanizmidan samarali foydalanish metodologiyasi: xorij tajribasi.....	249
Мурадов Б.Х., Аширов Д.Ф., Бахтиёрв Т.Д., Собиров Х.С. Қудратов М.Н. Основные факторы инновационных процессов АЭС, устойчивых источников энергии и перехода к «Зелёной» экономике.....	258
Tursunov O.B. Transport-logistika tizimini rivojlantirish orqali iqtisodiy o‘shishni ta‘minlash.....	269
Sayitbayev Sh.D. Yangi O‘zbekistonda moliyaviy barqarorlik va iqtisodiy o‘shish.....	274
Ibodulloyeva Z.S. Aligning energy systems engineering education with Uzbekistan’s renewable energy transition: rethinking curriculum reform through a policy–education lens.....	278
Salimova Z.S. Investitsiyalar va aholi daromadlari o‘rtasidagi mutanosiblikni ta‘minlashning konseptual asoslari.....	282
G‘aybullayeva Z.R., Oxunjonova K.K. Respublika tijorat banklari operatsiyalari va ularni rivojlantirish masalalari.....	286
Абдуллоев А.Ж. Ўзбекистонда маҳсулот сифатини бошқариш амалиётини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари.....	289
Rahimova M.I. O‘zbekistonda ayollar rahbarligidagi korxonalarining eksport faoliyati va hududiy rivojlanish tendensiyalari.....	294
Rahmatullayeva D.O. Bandlik tuzilmasining o‘zgarishi va iqtisodiy samaradorlikka ta‘siri.....	299
Valikulov Sh.Z. “O‘zbekneftgaz” AJ da investitsion faoliyatning iqtisodiy samaradorligini oshirish omillari va ularni tizimli tahlil qilish.....	305
Турабекова Г.И. Яшил иқтисодиёт ва инсониятнинг барқарор келажаги учун йўл.....	312
Tajiboyev S.O. Xalqaro investitsiyalar va kapital oqimlari.....	316
Madaminov A.M. Sanoat korxonalarini faoliyatida zamonaviy boshqaruv mexanizmlaridan foydalanish istiqbollari (oziq-ovqat sanoati misolida).....	319

2. Shodmonov Sh. Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik-2020. 634b
3. Britannica, T. Editors of Encyclopedia (2024, February 15). Commercial bank. Encyclopedia Britannica. <https://www.britannica.com/money/commercial-bank>
4. Muzaffar Saxibjanov “Tijorat banklari aktivlarini boshqarish va daromadligini oshirish masalalari” <https://doi.org/10.5281/zenodo.15159800>
5. Ruziyev Baxtiyor “Tijorat banklari aktivlari samaradorligini oshirishdagi muammolar va ularning yechimlari” <https://share.google/erh8ODXxhcI014IOI>
6. Z. Mamadiyurov, M. Maxmudova, M. Kurbonbekova-Bank ishi darslik 1-jild 2021. 81b.
7. https://www.cribs.su/bankovskoe-delo/4504/?utm_source=chatgpt.com
8. Akmal Rahimov “Tijorat banklari tomonidan depozitlar jalb qilish va ularni boshqarish” https://yashil-iqtisodiyot.taraqqiyyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/4141?utm_source=chatgpt.com
9. Xilola Mirzayeva “Banklarda depozit operatsiyalarini hisobini yaratish tartibi” https://yashil-iqtisodiyot.taraqqiyyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/270?utm_source=chatgpt.com
10. Otabek Melikov “Tijorat banklari depozit xizmatlari amaliyotini takomillashtirish” https://yashil-iqtisodiyot.taraqqiyyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/4431?utm_source=chatgpt.com
11. Shahnoza Sobirova “Banklarning qimmatli qog‘ozlar bozoridagi faoliyatini takomillashtirish masalalari” https://worldlyjournals.com/index.php/IJSR/article/view/16177?utm_source=chatgpt.com
12. Azizbek G‘ofurov “Tijorat banklarining qimmatli qog‘ozlar bilan bog‘liq operatsiyalari va ularning bank faoliyatida tutgan o‘rni” https://erus.uz/index.php/er/article/view/2003?utm_source=chatgpt.com
13. www.cbu.uz. - O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki ma’lumotlari

УДК:338.24

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ДАВЛАТ
ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРАКТИКИ
УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ ПРОДУКЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**DIRECTIONS OF STATE REGULATION OF PRODUCT QUALITY MANAGEMENT
PRACTICES IN UZBEKISTAN**

Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллоевич
БухДУ Иқтисодиёт кафедраси мудири и.ф.д., профессор

Аннотация

Мақолада Янги Ўзбекистон шароитида маҳсулот сифатини бошқариш, жумладан, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминланишини давлат томонидан тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, миллий хусусиятлари аниқланган.

Калит сўзлар: бошқарув, сифат, маҳсулот сифати, сифат бошқаруви, сифат назорати, сифат менежменти тизими, сифат бошқаруви самарадорлиги

В статье анализируются нормативно-правовые основы управления качеством продукции, включая государственное регулирование обеспечения населения качественной продукцией, в условиях Нового Узбекистана, и выявляются национальные особенности.

Ключевые слова: управление, качество, качество продукции, управление качеством, контроль качества, система управления качеством, эффективность управления качеством.

The article analyzes the regulatory and legal foundations of product quality management, including state regulation of the provision of the population with quality products, in the conditions of New Uzbekistan, and identifies national characteristics.

Keywords: management, quality, product quality, quality management, quality control, quality management system, quality management effectiveness

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида маҳсулот сифати муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, бозорда рақобатбардошликни таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун маҳсулот сифатини бошқариш самарадорлигини юксалтириш зарур.

Сифат бошқаруви бугунги кунда турли мамлакатлар миллий иқтисодиётлари тармоқлари, жумладан, саноатда, балки хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланилади. Маҳсулот сифатига таъсир қилувчи омиллар кўплаб бўлиб, уларнинг илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил қилиниши, сифат бошқарувини муваффақиятли амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлари сифатини халқаро стандартларга интеграциялаштиришга қаратилган ислоҳотларга устуворлик қаратилиб, бу орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчи субъектларни ташқи бозорларга кириб бориб жараёнларини рағбатлантириш асосида ташқи савдо балансини ижобий сальдога келишини таъминлаш, тармоқларнинг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш вазифасини ҳал этиш белгилаб олинган. Жумладан, Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан “Европа мамлакатларига маҳсулот экспорти бўйича қутилган натижаларга эришилмаган”[6] лигини таъкидлаб ўтганлиги ушбу соҳада тизимли ислоҳотларга устуворлик қаратилишидан далолат беради. Бунда маҳсулот сифатини бошқаришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш асосида маҳаллий имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Узоқ хорижлик Е.Қ. Боразон[8], Ҳ.М. Лиу[10], Р.А. Салэх[12], С. Саҳоо[11] каби иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида маҳсулот сифатини бошқариш самарадорлигини оширилиши корхоналар бошқарув стратегияларининг рақобатбардошликни ошириш бўйича дастурларининг таркибий компоненти сифатида намоён бўлишини кўрсатишган бўлса, Д. Кафетзопоулос[9], ҳамда Ҳ.С. Ал-Джаафри[7] кабилар маҳсулот сифатини бошқариш самарадорлиги корхонанинг инновацион фаолияти билан узвий алоқадор эканлигини исботлашган.

Умуман олганда, бугунги кунда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини оширишда глобал даражада маҳсулот сифатини белгиловчи “био”, “органик”, “эко” стандартлар тизимига интеграциялашган сифат бошқаруви тизимини шакллантириш талаб этилади. Бу эса маҳсулот сифатини бошқариш борасида иқтисодий фанда ўтказилган тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини тизимли таҳлил қилиш асосида маҳаллий шарт-шароитларда самарали амал қилувчи маҳсулот сифатини бошқариш тизимини шакллантириш заруриятини уйғотади.

Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилган

Янги Ўзбекистон шароитида аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш масаласи сиёсий даражада устувор аҳамият касб этиб, янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияга мувофиқ, “давлат фуқароларнинг соғлом ҳаётга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаши ва бунда уларнинг сифатли ва хавфсиз бўлган маҳсулотлар билан таъминлаш вазифаси”[1] ни ўз зиммасига олиши билан боғлиқ бўлган ҳолатлар белгилаб берилган. Шу билан биргаликда, мустақилликнинг илк даврлариданоқ ҳукумат томонидан “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”[3] га қаратилган Қонуннинг қабул қилиниши билан маҳсулот сифатини белгиловчи хавфсизлик, сертификат, нуқсон, кафолат ва яроқлилик муддатлари, ҳамда сифатли бўлмаган маҳсулотларни қайтариб олиш билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг

мазмуни ёритилган (1-жадвалга қаранг) ҳолда, истеъмолчиларнинг сифатли маҳсулот сотиб олишлари ва уларни истеъмол қилиши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳолатларни тартибга солиш имкониятини берган.

1-жадвал

Сифатли маҳсулот истеъмолини таъминлаш бўйича тушунчалар [1]

№	Тушунча	Моҳияти
1	Норматив ҳужжатлар	Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатлар (шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, давлат фармакопеяси ҳамда фармакопея мақолалари), техник тавсифлар, рецептуралар, шунингдек товарнинг (ишнинг, хизматнинг) сифатига ва хавфсизлигига доир мажбурий талабларни ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар
2	Товарнинг хавфсизлиги	Товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек, иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф хатарнинг йўқлиги
3	Мувофиқлик сертификати	Сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат
4	Товарнинг нуқсони	Товар (иш, хизмат)нинг норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлиги
5	Товарнинг жиддий нуқсони	Товар (иш, хизмат)дан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меҳнат ва вақт сарфлаш талаб қиладиган камчилик
6	Кафолат муддати	Товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (онлар ҳисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, нечта иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к.) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди
7	Яроқлилик муддати	Муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин
8	Товарни истеъмолчидан қайтариб олиш	Агар товар (иш, хизмат) истеъмолчи мулкига айланган ёки унга таклиф этилган бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан амалга ошириладиган, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсизлиги талабларига мос бўлмаган товарни (ишни, хизматни) қайтариб олишга қаратилган ҳар қандай чора

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”[3] ги Қонунга мувофиқ, маҳаллий бозорларда ҳар қандай истеъмолчи ўзи сотиб олаётган ёки сотиб олиш истагида бўлган маҳсулот ҳақидаги маълумотларни тўлиқлигича аниқлаши ва берилган маълумотлар бўйича маҳсулотнинг техник ёки сифат кўрсаткичлари мос келмаганлиги, шунингдек, истеъмолчи саломатлиги, унинг моддий ва ижтимоий ҳолатига зарар етказилганлиги учун белгиланган тартибда товон ундириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, мамлакатда маҳсулот сифатини бошқариш амалиётининг умумий ҳолатлари ва хусусиятлари янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”[1] билан “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”[3] ги Қонунда ўз

ифодасини топган бўлса, ушбу жараёнларни тартибга солишда қўлланиладиган махсус Қонунлар қаторига “Метеорология тўғрисида”[2] ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”[4] ги ва “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”[5] ги Қонунларни киритиш мумкин бўлади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ўзбекистонда махсулот сифатини бошқариш амалиётини давлат томонидан тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари [2]

№	Меъёрий ҳужжат	Моҳияти
I. Умумий қонунчилик		
1.1	“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”[1]	Аҳолини сифатли махсулотлар билан таъминлаш бўйича фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат мажбурияти бўйича умумий меъёрлар ва кафолатлар белгиланган
1.2	“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”[3] ги Қонун	Истеъмолчиларнинг сифатли махсулот билан таъминланиши, жумладан, сифатсиз махсулотларни сотганлик учун жавобгарликлар, шунингдек, истеъмолчиларнинг тегишли ҳақ-ҳуқуқлари амал қилишини тартибга солади
II. Махсус қонунчилик		
2.1	“Метеорология тўғрисида”[2] ги Қонун	Махсулот ишлаб чиқариш жараёнида ўлчов бирликлари аниқлиги ва уларнинг бир хиллигини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжат
2.2	“Стандартлаштириш тўғрисида”[4] ги Қонун	Махсулот сифати бўйича давлат стандартларини белгилаш ва уларни амал қилишини тартибга соладиган меъёрий ҳужжат
2.3	“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”[5] ги Қонун	Махсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришни стандартлаштириш, сертификациялаш ва уларнинг белгиланган меъёрларга мувофиқлигини баҳолаш тизимини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжат

Бу турдаги гуруҳлашни амалга оширилишига сабаб қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

биринчи, умумий қонунчилик – ушбу қонунчилик гуруҳи мамлакатда аҳолининг сифатли махсулотлар билан таъминланиши, жумладан, истеъмол бозорларида сифатсиз махсулотларни сотиш, уларни сотиб олиш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муаммоли вазиятларни аҳоли, хусусан, истеъмолчилар манфаатлари нуқтаи-назаридан ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар, мажбуриятлар, ҳақ-ҳуқуқлари ва кафолатлар тизими белгилаб берадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташкил топган ҳисобланади;

иккинчи, махсус қонунчилик гуруҳи – ушбу гуруҳ таркибига кирувчи меъёрий ҳужжатларда махсулот ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, уни техник-технологик регламентларини белгилаш, ўлчов бирликлари, махсулот учун тегишли бўлган истеъмол ва техник хусусиятлари бўйича стандартлаштириш, сертификациялаш ва уларга мослик ҳолатларини аниқлаш бўйича муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қиради.

Ўтказилган таҳлилларга кўра, мамлакатда махсулот сифатини бошқаришни давлат томонидан тартибга солишда қатор тизимли муаммолар мавжуд эканлиги аниқланиб, уларни меъёрий-ҳуқуқий, институционал, сифатни тарғиб этиш маданияти ва амалиёти билан боғлиқ йўналишларда амал қилиши намоён бўлди. Фикримизча, мамлакатда махсулот сифатини бошқариш амалиётини давлат томонидан тартибга солиш борасидаги мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, кейинги йилларда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, конунчиликни такомиллаштириш – бунда сифат назоратига тегишли бўлган меъёрий-хукукий ҳужжатларни амалий механизмлар орқали бойитиш. Жумладан, глобал сифат стандартлари билан интеграциялашган миллий стандартлар тизимини ишлаб чиқиш;

иккинчидан, институционал ислохотларни чуқурлаштириш – маҳсулот сифатини бошқариш амалиётини давлат томонидан тартибга солишда иштирок этувчи ваколатли органлар ўртасида мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, ҳудудлар кесимида сифат назорати лабораториялари ва марказларини ташкил этиш;

учинчидан, кадрлар таъминотини такомиллаштириш – олий таълим муассасаларида сифат бошқаруви бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, техник ва молиявий қўллаб-қувватлаш – глобал сифат стандартларини жорий этган ёки жорий этиш ҳолатида бўлган ишлаб чиқариш корхоналари учун субсидия ва грантлар ажратиш тизимини ишлаб чиқиш, жумладан, маҳаллий бозорларда маҳсулот сифати назорати бўйича рақамлаштирилган тизимларни жорий этиш;

бешинчидан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида сифат маданиятини шакллантириш – бунда истеъмолчилар ҳуқуқлари бўйича оммавий маълумотлар бериш усуллари, ҳамда, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида маҳсулот сифати бўйича умумлаштирилган, ўзаро бир хил бўлган фикрларни шакллантириш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 01.05.2023 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-614-сон Қонуни, 07.04.2020 й
3. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 221-И-сон Қонуни, 26.04.1996 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги ЎРҚ-800-сон Қонуни, 03.11.2022 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-819-сон Қонуни, 27.02.2023 й
6. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2024 йил 16 апрел куни Тўқимачилик соҳасида экспорт ва инвестиция ҳажмларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселлаторда сўзлаган нуткидан. 16.04.2024 й. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/7168>
7. Al-Dhaafri, H. S., & Alosani, M. S. Impact of total quality management, organisational excellence and entrepreneurial orientation on organisational performance: empirical evidence from the public sector in UAE. *Benchmarking: An International Journal*, 27 (9), 2020. – pp. 2497–2519.
8. Borazon, E. Q., Liu, J. M., & Santamaria, J. G. O. Antecedents of quality performance in the Philippine micro, small, and medium hospitality sector. *Asia Pacific Business Review*, 27 (4), 2021. – pp. 559–582
9. Kafetzopoulos, D., Gotzamani, K., & Vouzas, F. (2021). Management innovation, drivers and outcomes: the moderating role of organisational size. *International Journal of Innovation Management*, 25 (2) <https://doi.org/10.1142/S1363919621500213>
10. Liu, H. M., Wu, S., Zhong, C. W., & Liu, Y. An empirical exploration of quality management practices and firm performance from Chinese manufacturing industry. *Total Quality Management & Business Excellence*, 32 (15–16), 2021. – pp. 1694–1712
11. Sahoo, S. Process quality management and operational performance: exploring the role of learning and development orientation. *International Journal of Quality & Reliability Management*, 39 (5), 2021. – pp. 1190–1208
12. Saleh, R. A., Sweis, R. J., Saleh, F. I. M. Investigating the impact of hard total quality management practices on operational performance in manufacturing organizations: Evidence from Jordan. *Benchmarking - An International Journal*, 25 (7), 2018. – pp. 2040–2064